


С.М. Сидиков
В.Г. Ким
Ш.К. Абдурахмонов
М.Мийзамов

БАСКЕТБОЛ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA
ЎRTA MAHSUS TAYLIM VAZIRLIGI
FARFONA DAVLAT UNIVERSITETI

С.М. Сидиқов
В.Г. Ким
Ш.Қ. Абдурахмонов
М.Мийзамов

БАСКЕТБОЛ

Farg'ona Davlat
Universiteti
KITUBXONASI ADBIVOTLARI
DAVTA ISHILASH BO'LIHI FONDII

Фарғона 2005

Муаллифлар:

С.М.Сидиков Биологика фанлари номзодини, спорт кафедраси доценти

В.Г.Ким Педагогика фанлари номзодини,
Марийлон Тиббикет коллежи
жисмоний тарбия кафедраси муdiri

Ш.Қ.Абдурахмонов Спорт кафедраси ўқитувчиси

М.Мийзамов Қизил-қиз гуманитар педагогика институти жисмоний тарбия кафедраси муdiri

Тақризчи:

А.Абдуллаев Педагогика фанлари номзодини,
доцент, спорт кафедраси муdiri

Муваффиқ:

Х.Жураев Филология фанлари номзодини, доцент

Нашрда тайёрловчи:

Э.З.Мухитдинов

Мазкур ўқув қўлланмаси олий ўқув ортиларининг жисмоний тарбия мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабаларига, академик лицей, касб-хўналар коллежлари ва умултаълим мактаблари ҳамда махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ўқув мўжайланган.

Рисола ФарДУ илмий кенгаши томонидан 2005 йил июн ойидаги илмий кенгашида чоп этилган тавсия қилинган.

БАСКЕТБОЛ ҲАҚИДАГИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Баскетбол 1891 йилда АҚШнинг Массачусетс штатидаги Спрингфилд коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Каналатик Жеймс Нейсмит томонидан «кашф» этилган. Бу ўйинни яратилганда Нейсмит ўзоқ вақтлардан бери кенг тарқалган тўп билан ўтказилган олдий ўйинлар ҳақидаги тарихий маълумотлардан фойдаланган, деб тахмин қилиш мумкин.

Коллежда ўтказилган гимнастика дарсларини жонлантириш ҳақида топириқ олган Жеймс Нейсмит ёшиқ хоналар учун янги ўйин ўйлаб чиқади. У балкон панжараларига шафтоли солинган саватлардан иккитасини осиб қўяди. Ўйинда қатнашувчилар ўз рақибларининг саватларига футбол тўпини туширишлари лозим эди. Ўйинга эркаклар билан аёллар бирлигида қатнашардилар. Нейсмит тактиф қилган ўйин биринчи кунданок студентлар орасида қатта қизиқиш уйғотди.

Гимнастика турухида 18 киши бўлгани учун, улар икки жамоага бўлиниб ўйнай бошладилар. Кейинчалик ҳар бир командаладаги ўйинчиларнинг сони 7 ва 5 тагача камайтирилди.

Тўп саватга ташланганлиги учун бу ўйин инглиз тилида (Баскет-сават, бол-тўп) деб атага бошланган.

Қайинги йилларда баскетбол ўйини аста-секин ўзига хос хусусиятларга эга бўлган спорт турига айланган.

1892 йилда Нейсмит ўйин қоидаларининг 13 моддасини тузиб чиқди. Яъни улар қуйилганлар эди.

1. Тўпни бир ва икки қўлдаб ҳар томонга ташлаш мумкин.

2. Тўпни ҳар хил йўналиш буйича бир ёки икки қўл билан уриб юбориш мумкин бўлган (мушт билан уриш ман

- этишган).
3. Тўп билан югуришга рухсат берилмаган. Ҳайиччи қабул қилган тўпни қасрда қабул қилган бўлса, шу жойдан ташлаш керак. Катта тезикда югуриб келаётган Ҳайиччи тўпни қабул қилганда тўхташга ҳаракат қилган баъзи бир ҳолларда қонда бўзилмади деб унга рухсат берилган.
 4. Тўпни фақат қўл бармоқлари билан ушлаш мумкин бўлган. Елка, қўлтиқ ёки гавданинг бошқа қисмларида тўпни ушлашга рухсат берилмаган.
 5. Ҳайиччи рақибини елка билан туртиши, ушлаб қолиши, қўл билан уриши ёки чағиши ман этилган. Бу қоидаларни бузган Ҳайиччиларга биринчи маротаба жарима тўп эълон қилинган, иккинчи маротаба тақдорланган ҳолда бу Ҳайиччини Ҳайичдан бутулига чиқарилган ва ўрнига бошқа Ҳайиччи алмашиши мумкин бўлмаган.
 6. Тўпни мушт билан урилганда 3, 4 ва 5-пунктлар бузилган ҳолларда жарима берилган.
 7. Командалардан биронтаси кетма-кет уч маротаба жарима олса, рақиб командаси сават эгаси бўлган (майдон эгаси бўлган).
 8. Саватга тўп туширган команда майдон эгаси ҳисобланиб, саватга тушган тўпни яна шу команда Ҳайиччилари Ҳайиччи киритиш ҳуқуқига эга бўлган.
 9. Тўп майдонда қайси Ҳайиччида тегиб майдондан ташқарига чиқиб кетса, биринчи тўп кинга тегиб чиқса шу Ҳайиччи майдонга қайта кириш ҳуқуқига эга бўлган.
 10. Бош ҳакам майдондаги Ҳайиччи назорат қилиб борган ва Ҳайич қоидасини уч маротаба бузган Ҳайиччини майдондан чиқариш тўғрисида майдондаги ҳакамга хабар берган.
 11. Майдон ичидаги ҳакам тўпнинг майдондаги

ҳаракатини, майдондан ташқарига чиққан ҳолларни, қайси команда Ҳайиччиларига тегишлилиги, Ҳайиччиларнинг Ҳайич қоидаларига риоя қилишлари ва ҳисобларнинг боришини назорат қилган.

12. Ҳайич икки қисмдан Ҳайичлиб, ҳар бир қисми 15 дақиқа давом этган ва ўртада 5 минут танаффус эълон қилинган.
13. Қайси команда Ҳайиччилари саватга қўп тўп туширса шу команда фолиб деб тоқилган. Ҳисоблар тенг бўлган ҳолларда команда саркорларининг келишувлари билан қўшимча вақт белгиланиб, биринчи майдон эгаси бўлгангача Ҳайич давом этган.

1892 йилда Жеймс Нейсмит Ҳайичнинг «Қоидалар китоби»ни биринчи марта чоп этди. Бу китобда тўпни ерта уриб юриш мумкинлиги ҳақида биринчи марта ёзилган эди. Шундан сўнг махсус мусобақалар ўтказиш бошланди ва бу қоидалар йилдан-йилга мукамаллаша борди. Масалан, 1893 йилда биринчи марта темир халқали турли саватлар пайдо бўлди. Яна бир йилдан сўнг тўпнинг айлана узунлиги 30-32 дюйм (76,2-81,3 см)гача кўпайтирилди. 1895 йилда 15 фут (5 м, 25 см) масофадан бажариладиган жарима тўплари киритилди. Биринчи расмий мусобақа қоидалари 1894 йилда АКШда эълон қилинган эди. 1895 йилдан бошлаб АКШда баскетбол бўйича расмий мусобақалар ўтказилга бошланди. Ҳайич йилдан-йилга ривожлана бориб, унинг техникаси ва тактикаси вужудга келди. 1896 йилдан бошлаб тўпни ерта уриб юришга рухсат берилди.

Нейсмитга катта хизмати учун 1911 йилда жисмоний тарбия устаси унвони берилди. 1939 йили Мак Гилл Университети томонидан Нейсмитга тиббий билимлар доктори унвони берилди. Нейсмит хотираси учун 1968 йили АКШ баскетбол тарихини акс

этирувчи музей очилди. (Нейсмит 1861 йили туғилган ва 1939 йили Канадада вафот этган).

Баскетбол аввалга Америкадан, Шарқ мамлакатлари - Япония, Хитой, Филиппинга, ундан сўнг Европа мамлакатлари - Чехословакия, Литва, Эстония, Латвия, Италия, Франция ва ниҳоят, Жанубий Американинг айрим мамлакат-ларида тарқалди.

Дунёдаги кўпгина мамлакатларда баскетболнинг кенг тарқалиши натижасида 1919-31 йилларга келиб миллий баскетбол федерациялари ташкил қилина бошланди.

1932 йилнинг 18 июнида Халқаро баскетбол федерацияси (ФИБА) нинг ташкил қилиниши эса бу ўйиннинг янада ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Аргентина, Греция, Италия, Латвия, Португалия, Руминия, Швейцария ва Чехословакия мамлакатлари халқаро баскетбол федерациясига биринчилар каторида аъзо бўлиб кирдишар. Ўйин бутун дунёга тезлик билан кенг тарқала бошлади.

1930 йилларда АКШнинг Стенфорд университети командасининг «юлдузи» Хенк Луизетти баскетбол тарихида биринчи бўлиб тўпни саватга сакраб отиш усулини кўллагди. Ҳозир эса бу усул оммавий тус олган.

1935 йилда Женевада эркаклар командалари ўртасида биринчи Европа чемпионати бўлиб ўтди. Бунда Болтиқбўйи мамлакатларининг командалари устун келдилар. Европа чемпиони ушвонига Латвия терма жамоаси биринчи бўлиб сазовор бўлди.

1936 йилгача тўп саватга тушгандан сўнг ўйин майдон ўртасида баҳс тўпни ташлаш билан давом этган бўлса, ундан кейин тўп саватга тушгандан сўнг шчит ортисидаги юз чизгининг тапқарисидан ўйинга киритиладиган бўлди, бу ўйин тэзлигини анча оширди.

1936 йилда баскетбол биринчи марта, олимпиада, ўйинлари дастурига киритилди. Берлинда бўлиб ўтган XI Олимпиада ўйинларининг баскетбол турнирида 21 мамлакатнинг эркаклар жамоалари қатнашди. Аёллар ўртасида биринчи Европа чемпионати 1938 йилда Римда бўлиб ўтди. Бунда Италия миллий командаси раљаба қозонди.

1948-1956 йилларга келиб Халқаро баскетбол федерацияси бошқа халқаро спорт бирлашмалари ичида юқори ўринлардан бирини эгаллади. Дунё ва Европа чемпионатлари каби катта мусобақалар энди ФИБА раҳбарлиги остида ўта бошладилар. Халқаро мусобақаларнинг барчасига дунё мамлакатлари фаол қатнаша бошладилар. 1948 йилга келиб 50 мамлакат Халқаро баскетбол федерациясига аъзо бўлиб кирди. Баскетбол техникаси ва тактикаси ривожлана борди. Тўпни узатиш, уни ерга уриб юриш ва чапгагишларнинг янги усуллари вужудга келди. Масалан, тўпни саватга бир кўлаб отиш, сўнггра эса, сакраганда бир кўлаб отиш каби усулларнинг пайдо бўлиши баскетбол техникаси ва тактикасига жулда катта таъсир кўрсатди. Агарда ишлари мусобақа хисоби 20-30 хисобдан ошмасдан туғайдиган бўлса, энди учрашув хисоби 50-60 хисобга ега бошлади.

Тактикада марказий ўйинчи орқали хужум уюштириш системаси эркаклар жамоалари ўртасида ву-жулга келди.

1950 йилда *Аргентинада биринчи дунё чемпионати бўлиб ўтди*. Бунда мазбонлар биринчи ўринни эгаллашди. Аёллар командалари учун биринчи дунё чемпионати 1953 йилда ўтказилди ва АКШ аёллар терма командаси *жаҳон чемпиони* ушвонига сазовор бўлди.

1950 йилларнинг бошида баскетбол ўйинининг му-

собақа қондаларига куйидаги ўзгартiriшлар киритилди:

➤ 30 сония ўйин қондаси (бунда, асосан тўпни эгашлаб турган команда 30 сония ичида уни рақиб саватига отиши лозим);

➤ 30 сония қондаси ва жарима майдончасининг кенгайтирилиши (бунда, асосан ҳужумчининг рақиб жарима майдончаси ичида 3-сония орттиқ туриши тақияланди);

➤ тўпни ерга уриб юришни бошлашда, тўп баскетболчининг кўлидан чиққанган сўнггина, таянч оёқни ердан ўзингга рухсат берилди ва ҳоказо.

Шу йилларда баскетбол ўйинининг бир кўлаб тўи ўзатиш, фақат панжа ҳаракати билан тўи ўзатиш, чалғитиб ўзатиш ҳамда тўиға қарамасдан уни ерга уриб юриш, сакратанда бир ва икки кўлаб саватта тўи отиш каби техник услшлари тақомиллашди ва кенг тарқалди.

Ҳозирги кунда баскетбол билан бошқа спорт турларига нисбатан энг кўп (100 миллиондан орттиқ) киши шўғулланмоқда. Ҳалқаро баскетбол федерациясиға 157 мамлакатларнинг миллий федерациялари аъзолдир. Ҳумладан Европада 31, Осиёда 38, Америкада 38, Африкада 40 та, Австралия ва Океанияда 10 та баскетбол федерацияси мавжуд.

XXI Олимпиада ўйинлари дастуриға... (76, Монсёл) баскетбол бўйича аёллар беллашувининг киритилиши эса аёллар ўртасида баскетбол ўйинининг кенг ривожланишиға таъсир кўрсатди.

БАСКЕТБОЛНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Россия худудидида баскетбол 1906 йилдан ўйнала бошлади. Баскетбол командасини биринчи бўлиб Петербургдаги «Маяк» жамияти ташкил қилди. «Маяк»чиларнинг тириншқоқликлари натижасида баскетбол бошқа ташкилотларда ва ўқув юртларида кенг тарқала бошлади. Бу команданиннг ўйинчиси Степан Васильевни «рус баскетболининг отаси» деб бежиз айтишмайди. Чунки, у бутун умрини спортнинг шу турига бағишлаган эди.

1910 йилда «Богатырь»да, 1913 йилда «Май» гимназисида, 1914 йили эса Путилов савдо ўқув юртида дастлабки баскетбол командалари тузилди.

4 Петрограднинг «Маяк» клуби спортчилари билан Американиннг «Христиан ёшлар союзи» аъзолари ўртасида ўтказилган учрашувини Россия баскетболчиларининг биринчи халқаро мусобақаси десак бўлади. Бу мусобақада россияликлар ғалаба қозонди. 1920 йили Жисмоний тарбия Олий кенгаши ташкил қилинди. Тез оража баскетбол мусобақаларини Орехово-Зуево, Подольск, Вятка, Смоленск, Чебоксар ва Серпухов шаҳарларининг спорт шинавандалари куришга мурасар бўлдилар. Шу йилларда баскетбол физкультура ўқув юртлари программасиға мустақил фан сифатида киритилди. 1921 йилдан бошлаб эса Ўрта Осиё республикалари, Закавказье ва Украинаға ҳам тарқалди. Лекин ҳали ҳамма учун ягона бўлган мусобақа қондаларининг йўқлиги шаҳарлараро мусобақалар ўтказишға ва ўйиннинг янада тараққий этишиға катта тўққинлик қиларди. Шу боисдан ҳам 1922 йилда баскетбол мухлисларининг вакиллари Москваға тўпланишиб,

С. В. Сисоев раҳбарлигида ўйин қоидаларини ишлаб чиқдилар.

1923-1926 йилларда собиқ *баскетбол мактаби* шаклига бошланди. Баскетбол Собиқ иттифок республикаларида кенг тарқалганлиги учун ҳам у 1923 йилда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифок физкультура байрами дастурига киритилди. Ана шу байрамнинг баскетбол турнири «*иттифокда биринчи баскетбол чемпионати*» деб аталган. Бу мусобақаларда Ленинграднинг *аёллар* ва Москванинг *эркаклар* командалари ғолиб чиқдилар.

1928 йилда ўтказилган *Биринчи Бутуниттифок Спартакиадаси*да Франция ишчиларининг эркакалар ва аёллар баскетболчилари иштирок этдилар.

1930 йилда *Бутуниттифок баскетбол секцияси* ўз иш фаолиятини бошлади. Кейинчалик эса бу баскетбол федерациясига айлантирилди. Шундан сўнг мамлакатда баскетбол тез ривожланиб кетди. Чунончи, агар биринчи баскетбол чемпионатида бир неча командаларгина катнашган бўлса, 1937 йилга келиб чемпионлик учун курашга 35 та аёллар ва 42 та эркакалар *клуб жамоалари* катнашдилар.

1940 йилда Латвия, Литва ва Эстония республикалари кўшилди. Бу республикаларда баскетбол кенг ривожланган бўлиб, улар халқаро учрашувлар тажрибасига жуда бой эдилар. Бу эса тез орада ўз самарали таъсирини кўрсата бошлади ва баскетбол мусобақаларининг сони йилдан-йилга кўпая борди.

Бу орада ўйин техникаси ва тактикаси янги, самарали усуллар билан бойлди ва ривожланди. Мусобақалар қоидалари ва ўқув-тренировка ишлари такомиллашди, физкультура жамоаларининг секциялари учун биринчи дастур ҳамда П. М. Цетлиннинг баскетбол бўйича ўқув қўлланмаси бооматдан чиқди.

1946-1966 йилларда баскетбол мактаби янада такомиллашди, яъни Бутуниттифок баскетбол секцияси 1947 йилда *Халқаро баскетбол федерацияси*га аъзо бўлиб кирди. Шундан сўнг, баскетболчилар ФИФА томонидан уюштирилган барча мусобақаларда катнашиш ҳуқуқига эга бўдилар. Шу йилнинг ўзида эркакалар терма командаси Европа чемпионатида катнашиб, *биринчи ўринни* эгаллашга муваффақ бўлди. Терма команда мусобақаларда қуйидаги составда катнашган эди: О. Коркия, А. Алексеев, А. Конев, И. Лисов, В. Колпак, Н. Джоржикия, С. Тарасов, А. Моисеев, Ю. Ушаков, И. Кулдам, С. Бугаутас, К. Пятквичус, В. Кулакаускас ва Ю. Л. Лагунавичус. Командага П. Цетлин ва С. Спандарян раҳбарлик қилишди. Бу баскетболчилар бир неча йил катор *катта халқаро мусобақаларда* мунтазам катнашиб келишар.

1949 йилда 3 минг команда иштирокида энг оммавий мусобақалардан ҳисобланган мамлакат Кубоги учун кураш ўтказилган эди. Бу мукофотнинг биринчи эгалари Москванинг «*Динамо*» (аёллар) ва *Тойлсининг «Динамо»* (эркаклар) командалари бўлди.

1950 йилда собиқ СССР аёллар терма командаси биринчи марта *Европа чемпионати*да катнашди ва биринчи ўринни эгаллади. Команда тарқибиди эса П. Алексеева, Е. Зарковская, Т. Моисеева, Р. Маментьева, В. Конягова, Е. Рябушкина, В. Харитонова, Н. Пименова, В. Шендель, З. Стасюк, Н. Максимельяно-валлар бор эди. Командага К. Травин ва В. Кулакаус-кастар мураббийлик қилишди.

1952 йилда *эркаклар терма командаси* биринчи марта Хельсинкида ўтказилган XV *Олимпиада* ўйинларида катнашиб, Европанинг ҳамма командаларини орқада қолдирди ва иккинчи ўринни эгаллади.

Биринчи ўринни АҚШ терма командаси эгаллади. Ушша вақтда энг бағанди баскетболчи Коневнинг бўйи 192 смга, Америка командасининг энг бағанди ўйинчиси Курланднинг бўйи 213 см га тенг эди. Шундай қилиб, АҚШ терма командаси аъзолари бағанди бўйлари билан устунлик қилардилар. Шундан сўнг мамлакат мутахассислари бағанди бўйини йилит ва қизларни баскетбол секцияларига жалб қилга бошладилар. Тез орада бу масала муваффақиятли ҳал қилинди.

1950 йилдан бошлаб болалар спорт мактаблари орасида ҳам Бутуниттифок баскетбол мусобақалари ўтказилга бошлангли.

Бутуниттифок мактаб ўқувчилари Спартакиадаси биринчи марта 1954 йилда ўтказилди. Бу мусобақага ҳамма қардош республикалар ҳамда Москва ва Ленинград шаҳарлари ўзларининг энг яхши 17-19 ёшдаги ўйинчиларини юбордилар.

Аёллар терма командаси 1957 йилда жаҳон чемпионатида биринчи марта қатнашиб, *иккинчи ўринни* эгаллади. Эркактар терма командаси эса биринчи марта 1959 йилда жаҳон чемпионатида қатнашиб, ҳамма учрашувларда галаба қозonganликларига қарамай, Тайван ороли командаси билан учрашилдан воз кечангликлари учун ФИБА командани дисквалификация қилиб, Бразилия миллий терма командасини жаҳон чемпиони деб эълон қилди.

50-йилларнинг охири ва 70-йилларга келиб, баскетбол чинакам оммавий тус олди. Бир қанча командаларнинг маҳорати турғунланди ва бу соҳадаги илмий-услубий ишлар такомиллашди.

1972 йилда ўтказилган XX Олимпиада ўйинларида собиқ СССР эркактар терма командаси биринчи ўринни эгаллади. Хужумат баскетболчиларини бу галабасини юқори баҳолаб, тренерлардан В.

Кондрашин, С. Балкин, О. Коркия ва В. Ымба; ўйинчилардан: С. Белов, А. Белов, Г. Вольнов, С. Коваленко, И. Едешко, А. Жармухамедов, М. Паулаускас, З. Саканделидзе, М. Коркия, А. Попивода, А. Богошев, И. Дворнийларни орден ва медаллар билан мукофотлади.

1975 йилда «Футбол, ҳоккей ва бoшқа спорт ўйинлари турларини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида»ги қарорнинг спорт кўмитаси томонидан қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Охири икки йил ичида баскетбол мухлисларининг сони 200.000 кишига кўнайдди. 1977 йилнинг ўзида 84 спортчи спорт устаси нормативини бажарди.

Энг йирик жаҳон ва Европа мусобақаларида аёллар терма командаси муваффақиятли қатнашиб, улар олти марта жаҳон чемпиони, 16 марта Европа чемпиони унвонига сазовор бўлдилар. 1976 йилги XXI Олимпиада ўйинларида (Монреал) биринчи олтин медалларнинг кўлга киритилиши аиниқса, катта мақтовга лойиқдир. Баскетболчи қизлар халқаро мусобақаларда охирти 20 йил ичида бирон марта ҳам мағлубиятга учрамадилар.

Мамлакат *чемпиони унвонига* 20 марта эришган МАСК командаси энг кўзга таппланган кучли жамoadир. Шу унвонни Тбилисининг динамочилари 4 марта, Рига армиячилари 3 марта, Москванинг динамочилари 12 ва Каунаснинг «Жальгирис» командаси, Ленинграднинг «Буревестник» ҳамда Тбилисининг офицерлар уйи командаси 2 мартадан кўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Олтин мукофотларни Москванинг «Локомотив» ва Ленинграднинг «Стартак» командалари бир мартадан олдилди.

Риганинг машхур ТТТ баскетболчиллари аёллар орасида ўтказилган мусобақаларда 18 марта мамлакат чемпиони унвонига эга бўлдилар. Москванинг динамочиллари эса шу унвонни 11 марта олишди. Мамлакат чемпионатларида МАИ командаси 5 марта, Киевнинг «Динамо», Ленинграднинг «Спартак», Москванинг «Строитель» ва Москва областининг «Спартак» командалари бир маргалам зафар кучдилар. Европа чемпионати куботини МАСК, Риганинг АСК, Тбилисининг «Динамо» жамоалари кўлга киритгандар. Риганинг ТТТ (аёллар) жамоаси эса бунга 16 марта сазовор бўлдилар.

Терма командаларнинг ва клубларининг турли йилларда муваффақият қозонишига тренерлар Степан Спандарян, Стяпас Бутаяс, Констагтин Травин, Александр Зимин, Василый Копнаков, Владимир Кондрашин, Владимир Шаблинский, Раймонд Карнитис, Александр Гомельский ҳамда Лидия Алексееваларнинг номи билан боғлиқдир.

Европа чемпионатида Юрий Вируков, Сергей Башкин, Владимир Обухов, Юрий Селизовлар раҳбарлигидаги ёш баскетболчилар саккиз марта, Олег Даудкин, Борис Федотов, Равса Михайловлар раҳбарлик қилган кизлар командаси эса, *кўлга чемпионатида* 10 марта голиб чиқдилар.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАСКЕТВОЛ

Ўзбекистон худудида баскетбол 1913 - 14 йилларда тарқалга бошлаганиги ҳақида маълумотлар бор. Ўзбек физкультурачиларининг баскетбол билан танишиши Весебучвакили Л. Бархашининг номи билан боғлиқ. 1920 йилда у Фарғонада биринчи бор баскетболчилар командасини тузди. Ҳар бир командда 9 кишидан иборат ўйинчи бўлиб, улар 28x16 метрли майдончада машғулот ўтказишарди. Майдонча чизиклар билан уч қисмга бўлиниб, баскетболчилар уч химоячи, уч ярим химоячи ва уч хужумчига ажратиларди. Улар тўпни саватта икки кўлаб настуран отар эдилар. Тошкентда баскетбол командасини биринчи бўлиб Весебуч инструктори С. Старший ташиқил қилди. П. Таранов, А. Богаченков, Ю. Белоперковскийлар бу команддага аъзо эдилар. Баскетбол секциялари кейинчалик Наманган, Самарқанд ва республикаамизнинг турли шаҳарларидаги фабрика, завод ҳамда бошқа ташиқилотларда ҳам ташиқил қилина бошлаган. 1924 йилда Сирдарё вилоятида ўтказилган Олимпиада дастурига баскетбол биринчи марта киритилди. Мусобақалар 1922 йилдаги Москва қоидалари асосида ўтказилди. Ўйин вақти 40 минут бўлиб, *ҳар бир* командда беш кишидан иборат эди (иккита химоячи, марказий ўйинчи ва иккита хужумчи). Фақатгина марказий хужумчи химоятга қайтиб келар ва ўйинда ҳеч қандай комбинация қўлланилмасли. Жарима тўшларини отиш эса, команданинг битта ўйинчиси зиммасида бўларди. Ўйин давомида баскетболчинни фақат жароҳатлангандагина алмаштириш мумкин эди. Дастлабки тўп отишда марказдан бошлайдиган баскетболчилар битта кўлларини орқаларига қилиб туришлари, командаларнинг хужумчилари эса, олд зонага ўлиб туришлари лозим эди.

Баскетболчининг бир жойда тўнни икки секунддан ошиқ тўтиб туриши таъқиқланарди. Тўнни саватга икки кўл билан пастдан ва бир кўл билан елкадан отиш кенг қўлланиладиган усуллардан бўлиб ҳисобланган.

Ўрта Осиё ҳудудлида бир неча республикалар ташкил этилгач, Ўзбекистонда физкультура ва спорт ишларини бошқаришни физкультура советлари ўз қўлларига олдилар. 1925 йил 13 июлдаги қарори республикамиз физкультура ва спорт ҳаётида катта воқеа бўлди.

Мусобақа қондалари шу йилларда такомилланди. Шчит майдонни четараловчи чизилган 60 см. ичкарига ўрнатиладиган бўлди.

Баскетболчиларнинг техникасида тўнни ҳаракат вақтида тезлик билан узатиш ва шчит тагидан уни бир ва икки кўллаб саватга отиш каби усуллар пайдо бўлди.

Республика бўйлаб кенг тарқалаётган баскетбол ўйини, 1927 йилда *Бутун ўзбек спартакиадаси* дастурига киритилди. Бу спартакиадада тайёрланиш даврида кўпгина шахарларда баскетбол мусобақалари бўлиб ўтди. Спартакиадага Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг командалари қатнашдилар.

1928 йилда *II Бутунўзбек спартакиадаси* бўлиб ўтди. Спартакиадада Тошкентнинг эркактар ва аёллар командалари биринчи ўринни эгалладилар. Бу беллашувда Москвада ўтказилгандиган Бутуниттифоқ спартакиадасига қатнашадиган терма командада аъзолари аниқланди.

Бу спартакиадада Ўзбекистон баскетболчилари биринчи халқаро учрашувни ўтказдилар. Улар Франция терма командаси билан учрашиб, 49:12 (эркаклар) ва 24:12 (аёллар) ҳисоблари билан ғалаба қозондилар.

1928 йилдаги спартакиадага гайёртарлик натижаси-да республикада баскетболнинг ривожланиши бирмунча жонланган бўлса ҳам, бироқ доимий мусобақа календарининг йўқлиги, баскетбол майдончаларининг камлиги, жамоаларда тренерларнинг этишмаслиги бу ўйиннинг чинакам оммавий тус олишига тўсқинлик қиларди.

1929 йилдаги шахарлар биринчилиги учун олиб борилган курашга, ишлаб чиқариш жамоалари билан бир каторга олий ўқув юртларининг командалари ҳам қатнашдилар.

Шу йилдан бошлаб баскетбол бутун ўзбек спартакиадаси дастурига киритилди ва мунтазам равишда республика биринчиликлари ўтказила бошланди. 1934 йилда баскетбол бўйича ўтказилган биринчи Ўрта Осиё спартакиадасида эса, Ўзбекистон *эркаклар ва аёллар* терма командалари *биринчи ўринларни* эгалладилар.

Республикамиз баскетболчилари Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ўртасида ўтказилган ҳамма спартакиадаларда 1952 йилгача биринчилиқни қўлдан бермадилар. 1952 йилда ва ундан сўнг ҳам аёллар командаси мусобақаларда кучлилигича қолди, аммо эркаклар командаси 1973 йилгача Қозоғистон командасини олдинга ўтказиб, иккинчи ўрин билан кифойланиб қолди.

Республика баскетболчилари 1935 йилда Ленинградда ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиб, эркактар-12, аёллар 11-ўринларни эгалладилар.

Бутуниттифоқ мусобақаларидан сўнг терма команда аъзолари республика шахарларига бориб семинарлар, тренерлар йиғилишлари ўтказиб, баскетболни тарғиб қила бошладилар.

1936-37 йиллар ва ундан кейинги кўп мусобақаларда Тошкент шаҳри командалари, республикамизнинг бошқа шаҳарлари командаларидан анча устунлик кўришарди.

1939 йилда мамлакатимизда мусобақанинг энги қоидалари жорий этилди. Бу қоидалар халқаро мусобақалар қоидаларига муносиб тузилганди. Масалан, мусобақалар «тоза» ўйин вақти бўйича ўтказиладиган бўлди. Командалар бошқа захирадаги баскетболчиларга эга бўлишига ва бу баскетболчиларни ҳоҳлаганча элмаштириб ўйнашига руҳсат берилди. Янги қоида бўйича майдон икки зонага бўлиниб, «зона» қоиласи киритилди. Баскетболчи-ларнинг тўпни орқа зонада 10 секунддан ортиқ ушлаб туриши таъқиқланди. Янги қоида бўйича саватига тўп тушган қоилда баскетболчилари ўйинни марказдан эмас, балки тўпни ўз зоналарининг ичидан ортидаги чизик орқасидан ўйинга киритадиган бўлишди. Жарима тўпни эгли «жабрланган» баскетболчининг ўзининга урадиган бўлди. Янги қоиланинг қўлланилиши ўйинни бир мўнча тез олиб боришга, ўйин техникаси ва тактикасининг такомиллашувига олиб келди. Республиканинг кучли баскетболчилари тўпни кўкрақдан икки қўлдаб ва елкадан бир қўлдаб узатиш каби усулларни қўллай бошладилар.

Ватан мулофаси учун курашга республикамиз баскетболчилари ҳам фаол қатнашдилар. Бир нечта ордон ва медаллар билан мукофотланган А. П. Киришов, М. А. Фёдоров, С. И. Уткин, В. Ф. Тимофеевлар шунлар жумласидандир.

Бу йилларда А. Киришов, Р. Ямбольский, В. Миронов, Э. Подпар, В. Тимофеев, Т. Агиев, М. Левин, О. Шугова, А. Ритикова, М. Малгина, В. Столбова,

Т. Агеева, 3. Страхова ва А. Дороховалар республиканинг энг кучли баскетболчилари бўлиб хисобланардилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер О. Г. Шугованинг шогирдлари Ю. Ушаков ва Т. Якунин собиқ СССР терма командасининг аъзолари эдилар. Бу йилларда Весобуч пунктларида, стадионларда, сув ҳавзаларида ва спорт залларида кучли, чидамли, эгчил, тезкор жангчилар тайёрланди. Шу билан бирга сановат, кишлоқ ҳўжалигида ҳам иш унуми ошди ва ҳамма нарса дўшман устидан ғалаба қозонишга қаратилди. Лекин баскетболнинг ривожланиши бирмунча сусайди. Баскетбол секциялари бир неча (Тошкент, Самарқанд ва бошқа) вилоятлардагина ишлаб турди. 1944 йилда республикада атига 91 та баскетбол майдончаси мавжуд бўлиб, 2104 киши баскетбол билан шугулланарди. Спортчилар устидан олиб бориладиган назорат биргина Республика Спорт қўмитасининг ҳаками томонидан амалга оширилди.

Республикада баскетболни ждал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширди. Айниқса, республикамизнинг сановат корхоналарида, ўкув юртларида, жамоа ҳўжалик, маҳаллий минглат ёшларидан баскетболчилар командаларини тузишга катта аҳамият берилди. Бу эса тезда ўз самарасини кўрсатди.

Маҳаллий минглат эркаклар командалари ўртасидаги республика чемпионати 1945 йилда Андижонда бўлиб ўтди, мусобақаларда 4 команда қатнашиб, биринчи ўринни Самарқанд, иккинчи ўринни Наманган, учинчи ўринни Андижон, тўртинчи ўринни Тошкент шаҳарларининг командалари эгалладилар.

1945 йилда Тошкентда III Бутуўўзбек спарта-

килдаси бўлиб ўтди. Стартакциянинг баскетбол турнирида аёллар ва эркекларнинг 7 тадан командалари қатнашди. Биринчи ўринни Тошкент шаҳрининг аёллар ва эркеклар командалари эгалладилар.

1946 йилда *Англижонда* маҳаллий миллат эркекларининг командалари ўртасида *иккинчи республика чемпионати* ўтказилди. Бу мусобақаларда республикаамизнинг 8 вилоятидан 50 киши қатнашди. Мусобақалар жуда қийин шароитда ўтди. Залнинг катталиги 20x10,4 метр бўлиб, шчит деворга маҳкамланган, ёруғлик манбалари ўрнатилмаган аҳолида ўтказилган эди. Қизилги шундаки, мусобақа учун Англижон шаҳрида фақат битта баскетбол тўши топилган эди.

Бу мусобақаларда У. Бектемиров, У. Умаров, А. Шермухамедов, Миновархўжаев, Т. Исохўжаев, Х. Султонов ва Мусахўжаевлардан ташкил топган Тошкент шаҳри командаси *биринчи ўринни* эгаллади.

1946 йилда ўзбек баскетболчилари собиқ *СССР биринчилигининг* II гуруҳида қатнашиб, аёллар-6, эркеклар-11 ўринларни эгалладилар.

Бироқ *баскетбол* ҳали танабалар ва мактаб ўқувчилари орасида кенг оммалашмаган эди. Масалан, Тошкент шаҳрининг студентларидан фақат 556 киши, мактаб ўқувчиларидан 962 нафари баскетбол секцияларида қатнашарди.

Сўнгги йилларда баскетбол бўйича мусобақалар сони ошиб борди. Меҳнатқаштар жисмоний тарбия билан оммавий равишда шуғулланишга жалб қилиниб, спорт-техника натижаларини юксалтириш ширлари остида катта ишлар олиб борилди. Аммо, Ўзбекистон терма командаларининг Бутуниттифок мусобақаларида қатнашиш натижалари ҳали талабга жавоб бермасди.

1947 йилда маҳаллий миллат эркеклар командалари ўртасида Учинчи республика чемпионати ўтказилди. Бу мусобақаларда 7 команда қатнашиб, У. Орифонов М. Тойрихўжаев, У. Мирзахмедов, Ч. Ботишев, Р. Солиқов, Б. Гофуров, Р. Ойлов, А. Шермухамедовлардан ташкил топган *Тошкент шаҳри* командаси *биринчи ўринни*, Самарқанд шаҳри командаси *иккинчи* ва Тошкент вилояти командаси *учинчи ўринни* эгаллади. Хуллас, 1946-60 йилларда *республика баскетбол ўйинининг ривожланишида муҳим босқич бўлди*.

1960 йилдан бошлаб Ўзбекистонда баскетболнинг ривожланишида янги босқич бошланди. Бу даврда кўпгина янги мусобақалар ташкил қилинди, спорт машғулотларини йил бўйи мунтазам олиб бориш яхши йўлга қўйилди.

1960-1966 йилларда Тошкентнинг «Меҳнат» командаси ва шу команда базасида тузилган республика аёллар терма командаси юқори натижаларга эришди. Команда аъзолари 1961 йилдан бошлаб, собиқ чемпионатнинг «А» класси бўйича мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўдилар.

1962 йилда собиқ *СССР биринчилигида* «Меҳнат» аёллар командаси 7-ўринни эгаллади. Бу мусобақаларда команданинг олти аъзоси (Р. Салимова, Т. Волкова, Р. Белюсова, Н. Чернишова, А. Ишкова ва Т. Томина) Ўрта Осиё республикалари ва Козовистонда хотин-қизлар ўртасида биринчи бўлиб (баскетбол бўйича) «Спорт устаси» нормасини бажардилар. Шуниси қизиқки, Ўзбекистон баскетболчилари ўша йилги чемпионатда Риганинг командаси устидан ғалаба қозонишган эдилар.

Команданинг бу муваффақиятига мураббий Л. К. Величковнинг хизмати катта бўлди. Яна шуниси

кувонарлики, команда асосан республикамизда тарбияланган баскетболчилардан ташкил топган эди.

У. С. Бектемиров ва К. К. Морозовларнинг Ўзбекистонда баскетболни ривожлантиришдаги хизматлари ҳисобга олиниб, уларнинг номлари билан *атадуювчи* республика ағъанавий мусобақалари ташкил қилинди.

Ўзбекистон баскетболининг бун неча вакиллари собиқ СССР терма командалари аъзолари сифатида, *мусобақаларда* муваффақиятги қатнашиб келишар. *Икки марта* жаҳон ва Европа чемпиони, хизмат кўрсатган спорт устаси Р. Прокопенко (Салимова) қизлар ўртасида. Европа чемпионлари, спорт усталари Т. Волкова ва Т. Хабибулина Олимпияда ўйинлари ва Европа чемпиони, хизмат кўрсатган спорт устаси А. Жармухаммедов; халқаро класдаги спорт устаси Е. Коваленко, ҳамда Г. Авдеев ва Р. Абеляновлар шулар жумласидандир.

1954 йилдан бошлаб *бутунигифок мактаб ўқувчилари* спартаксидаги ўтказилга бошлади.

Республикамиз аёллар командаси 1964 йилга собиқ СССР чемпионатининг олий лигасида қатнашиб, 4-ўринни эгаллади. Бу ўзбек баскетболининг энг қатта ютуғи эди.

1968-1978 йилларда ўтказилган республика биринчиликларида Тошкент шаҳрининг командалари ҳамон кучлилигини кўлдан бермадилар. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Андижон ва Бухоро вилоятлари командалари совринли ўринларни эгаллаб келишар.

Ўзбекистон ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг «Республикада спортнинг ўйин турлари аҳоли ва уни ривожлантириш чоралари ҳақида» ги қарори республикада юксак маҳоратли спортчилар етиштириш спорт ўйинларини янада оммавийлаштириш масаласида физкультура ташкилотларининг зиммасига қатта вазифаларни тоқлади. Мазкур қарорнинг ҳастта

таъбиқ этилиши, баскетбол соҳасида ҳам дастлабки ютуқларни кўлга киритди. Ўзбекистон давлат физкультура институтининг ФИСК командаси (аёллар) ва «Университет» командаси (эркаклар) собиқ СССР чемпионатининг «А» класс биринчи грутпаси мусобақаларида қатнашиб яхши ютуқларга эришти.

Мустақилликка эришган йиллардан кейин республикамизда мустақил давлат сифатида халқаро олимпияда кўмиталарига аъзо бўлиши, халқаро баскетбол федерацияси тузилиши баскетболни ривожланишининг янги босқичи ҳисобланди.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Қачон, қаерда ким томондан баскетбол ўйини каниф қилинган?
2. Баскетбол ўйинининг мазмуни нималардан иборат?
3. Баскетбол ўйинининг бошланғич давридаги ўйин қойидалари 13 нуқкити нималардан иборат эди?
4. Нейсмингтни қойида қитоби қачон чоп этилган ва унгаги ўйин қойидалари мазмуни нималарни ўз ичига олган?
5. Баскетбол темир халқаси ва жарима тўп ташлайдиган майдон қойидалари қачон киритилган?
6. Қачон қаерда баскетбол бўйича расмий мусобақа ўтказилга бошланади?
7. Халқаро баскетбол федерацияси қачон ташкил топган ва, қайси давлатлар биринчилар қатори аъзо бўлиб қирганлар?
8. Қачон ва қаерда эркактар командалари ўртасида европа чемпионати ўтказилган ва чемпионат унвонига қайси жамоа сазовор бўлган?
9. Қачон қаерда бўлиб ўтган олимпияда ўйинлар дастурида эркактар ва аёллар баскетболчилари биринчи мартаба ўйинларда иштирок эта бошлаганлар?
10. Ўзбекистонда баскетболнинг ривожланиши

оёқлар елка кенгликда бир-бирига параллел қилиб, бир чизикдан ёки бир оёғини олдинга чиқарган ҳолда ерга қўйиши лозим. Бунда оёқлар букулган, гавда бир оз олдинга эгилган, унинг оғирлиги оёқларга баробар тақсимланган, қўллар тўшни илпич ва ушлаб туриши учун қўлай ҳолда кўкрак олдида букилган бўлиши керак. Тўп кенг ёйилган бармоқлар билан кафтларга тўлиқ текизилмаган ҳолда тўтиб турилади.

Майдонда ҳаракат қилиш техникаси.

Баскетболчини юриш, сакрали, тўхташ ва бурилиш ёрдамида майдонда ҳаракат қилади. Бу группа усуллари оёқларнинг тўғри ишлатилига асосланади. Баскетболчиларнинг майдонда қилаётган ҳаракати ҳар доим бажараётган ишга қараб ўзгариб туради. Баскетболчи қаламлаб, югуриб, сакраб-сакраб, тўғри диогонал, ёйсимон, илон изи чизиклар бўйлаб ҳаракат қилади.


Юриш ўйин давомида бошқа усулларга нисбатан кам қўлланилади. Бу усул асосан ҳолатни ўзгартириш мақсадида ишлатилади. Баскетболчи майдонда тиззалари бир оз букулган ҳолда ҳаракат қилади. Бу унда тўсатган бажарилганга тезланишларда катта ёрдам беради.

Югуриш майдонда ҳаракат қилишнинг асосий усули бўлиб ҳисобланади. Бу усул оғирликни оёғининг бутун кафтига қўйиб ёки уни товондан оёқ учига ўтказиб, оёқларни олдигаидан бирмунча кўпроқ эгиб, юмшоқ қадамлар билан бажарилади. Тезланишларни ва кескин югуришларни бажариш учун қисқа қадамлар билан оёқ учига югурилади.

Сакрашлар. Баскетболчилар сакрашларни бир оёқ ёки икки оёқ билан депсиниб бажаралилар. Ўйин давомида сакрашлар кўпинча олдиндан тайёрларлик кўрилмасдан ва қайта-қайта бажарилади. Ҳаракат


вақтида бир оёқ билан депсинишдан олдин охириги қадам узатилади, бир оз эгилган депсиниш оёғи эса ерга товондан қўйилади. Тиззадан тўғри бурчаккача букулган, силкинч оёғи олдинга-юқорига эркин чиқарилади. Икки оёқда депсиниш ҳам югуриб келиб, ҳам бир жойда турган ҳолатда бажарилади. Бунинг биринчисидан охириги қадам худди бир оёқда депсинган найтгадидек қўйилади. Силкинч оёғи таянч оёқ ёнига тўлиқ қўйилгандан сўнг бараварига депсинилади. Бир жойдан туриб сакрагандаги депсинишни баскетболчи туриш ҳолатининг ўзидаяёқ оёқларини тезлик билан тўрилади ва қўлларини олдинга-юқорига ҳаракатлантириш ҳисобига бажарали. Бундай найтга ерга бир оз кенг жойлаштирилган оёқларга юмшоқроқ тулишга ҳаракат қилиш лозим.

Тўхташлар. Қаламлаб ва сакраб бажарилади. Қаламлаб тўхташда баскетболчи югуриш маромини буюмасдан охириги қадамни товондан, каттароқ кишиб қўяди; сўнг таянч оёғини кўпроқ букади ва силкинч оёғини олдинга қўйиб, инерциясини тўхтатади ва гавдани таянч оёғининг устулда тўтиб туради. Тез югурилган пайтларда тўхташган оёқлар бир оз кўпроқ букуллади. Сакраб тўхташган найтларда баскетболчи бир оёқ билан депсини ва олдинга сакрайди. Хавода баскетболчининг букулган оёқлари гавдасидан ўтиб кетади ва олдинга баробар ёки олдинма-кейин қўйилади.



1-расм. Икки ҳаёдан таллаб тўхташ.

Бурилишлар. Олдинга ва орқага бурилишларга ажратилади. Улар орқага ёки олдинга жойлашган оёқда, бир жойда турган ҳолда ва ҳаракатда, тўп билан ва тўпсиз бажарилади. Ҳайвончи таянч оёғида унинг учини майдонда ажратмай туриб, иккинчи оёғи билан депинади ва уни керакли томонга йўналтириб, бурилишларини бажарди. Бунда оёқлар букулган бўлади, силкинч оёқ билан қўйиладиган қадамлар рақибдан узоқлашиш мақсадида қўйилади. Энг кенг тарқалган бурилишлар қўйидагилардир: орқада жойлашган оёқда орқага бурилиш; орқада жойлашган



2- расм. Орқада жойлашган оёқда орқага тортмон бурилиш


3- расм. Олдига жойлашган оёқда олд тортмон бурилиш

Оёқда олдинга бурилиш; олдинда жойлашган оёқда орқага бурилиш; олдинда жойлашган оёқда олдинга бурилиш.

Тўп билан бажариладиган усуллар техникаси.

Тўпни илпш бир ёки икки қўлгаб бажарилади. Бу ҳаракатлар кўкрак ва елка баландлигида, юқорилаб (болдан баланд) ва пастлаб (тиззалган даст) ҳамда думалаб ва майдондан салчиб келаётган тўпларни илпшларга ажратилади. Тўп илпшини ҳамма турлари жойда турганда, ҳаракатда, сакраганда бажарилиши мумкин.


Ҳақиқат баландликда келаётган тўпни икки қўлгаб илпш энг асосий усуллардан ҳисобланади. Баскетболчи бир оз бўйлашган қўлларини учиб келаётган тўпга қарши тўрилайди. Панжалар ярим ойсимон очилган, бош бормоқлар бир-бирларига қараб йўналтирилган, қолганлари эса олдинга-юқорига қаратиб кенг ёйилган бўлади. Тўп бармоқларининг учига тегиши биланок баскетболчи уни маҳкам илпб олади, тўпнинг учини тезлигини камайтиради. Кейинги ҳаракатларни бажариш учун у қулай ҳолатни эгаллайди ва қўлларини буюкиб тўпни гавдага яқинлаштирилади.



4- расм. Ҳақиқат баландликда келаётган тўпни икки қўлгаб илпш

Юқорида келатган тўғни илиш. Юқорига-олдинга ёки юқори-ёнга тўғрилган кўлларни тўғни илганда сўнг секин-аста бўкиб бажарилгади. Кўлларнинг йўналиши тўғнинг учини бағандлиги ва траекториясига боғлиқ. Юқори траекторияга боғлиқ Юқори траектория билан узатилган, айниқса, саватга тушмаган тўғларни сакраб илиш бир мунча қийин ҳисобланади. Шунингга тегиб сапчилган ва юқоридан пастга қараб тушадиган тўғни илишда панжагар кўпрок тўғрилган ва тўғга қаратилган бўлади.

20



5-расм. Юқори траектория билан узатилган тўғни сакраб илиш: а — дастлабки ҳолат; б — сакралган ҳолат; в — тўғни илаб олган ҳолат; д — сўнгги ҳолат.

Илишда аввал тўғнинг сапчили йўналишини аниқлаш, сўнгра эса юғуриб келишни, яқинлашишни ёки бир жойда турган ҳолда сакралани бошлаш керак.

Пастлашиб келатган тўғни илишда учун баскетболчи оёқларини кўпрок букади, бир оз олдинга эгилади, тўғрилган кўлларини пастга туширади ва панжагарини тўғга қарши очади. Бунда бош бармоқлари бир оз олдинга ва бир-биридан қарама-қарши томонларга қаратилган, қолган бармоқлар эса пастга туширилган бўлиши лозим. Тўғ бармоқларга келиб тегиши билан баскетболчи уни ушлайди ва кўлларини букуб, кўкрак бағандлигича кўтаради.



6-расм. Пастлашиб келатган тўғни илиш.

Майдонда сапчилган тўғни илиш учун бош бармоқлар юқорида бир-бирларига қаратилган ҳолда жойлашган, қолган бармоқлар эса, пастга-ёнга тўғриланиб пастга қаратиб кенг очилган бўлиши керак. Кўллар тўғни ердан сапчилган захоти тўғи болади.



7-расм. Майдондан сапчилган тўғни илиш.

Баскетболчи тўпни бармоқлари билан тутиб, тирсақларини букади, гавда ва оёқларини асосий туриш ҳолатигача тўғрилайди.

Думалаб келётган тўпни ҳаракатда илиш учун унинг қаршисига тиззаси букилган ўнг (чап) оёқ кўйилади ва унга тананинг оғирлиги туширилади; гавда олдинга кўйилган оёқ томон энганади; бармоқлари кенг ёзилган ўнг (чап) қўл тўп томон узатилади. Тўп бармоқлари текканда кейин тезлик билан




8-расм. Думалаб келётган тўпни ҳаракатда илиш

ушлаб олинади. Чап (ўнг) оёқни кўйган заҳоти ўйинчи тўғрилана бошлайди. Кейин тўп гавдага яқинлаштирилади ва тўп чап (ўнг) қўл билан ушлаб олинади.

Тўпни эшлаб олгандан сўнг ҳаттога йўл кўймастлик учун у дарров тўхташ ёки тўпни ерга уриб юришга ўтиши керак.

Тўпни бир қўл билан илиш бир мунча кийин усуллар. Бироқ бу усулнинг устуңлиги шундаки, бунда тўпни қорпоқ нуқтада ёки ҳимоячидан узокроқда


илиш мумкин. Бу усул юқоридаб, баскетболчидан ён томонда ёки думалаб келётган тўпни илишда қўлланилади. Тўпни бир қўл билан илишни икки вариантда: тўпни иккинчи қўл билан тутиб ва ёнғиз бир қўллаб бажариш мумкин.



9-расм. Бир қўллаб тўпни илиш.

Тўпни узатиш

Тўпни узатиш асосий техник усул ҳисобланади. Унинг ёрдамида баскетболчилар ўзоро ҳаракатларни бажардиладар. Ўйин давомида узатишнинг ҳар-хил усуллари қўлланилади. Ўйин шароитига қараб узатишлар турли: дастлабки ҳолатлардан-бир жойда туриб, ҳаракатда, сакраб; ҳар-хил ҳаракатларда яқин масоқата, узок масоқата, паст ва юқори тректория билан;



10-расм. Кўкракдан икки кўллаб тўп узатиши

Йўналиши бўйича майдон эни, бўйи, диагональ бўйлаб бажарилиши мумкин.


Тўпшарни тезкорлик ва аниқлик билан, асосий йўналишини рақибга сездирмай узатиш лозим. Тўп узатишнинг икки турлиси мавжуд: икки кўллаб узатиш ва бир кўл билан узатиш. Икки кўллаб кўкракдан ва юқоридан тўп узатиш усуллари замонавий баскетболда кўпроқ ишлатилади.

Кўкракдан икки кўллаб тўп узатиш баскетболчиларнинг яқин ва ўрта масофаларда бажарилган. Ҳазро ҳаракатлари нафтида қўлланилади. Уни бажариш учун баскетболчи турпи ҳолатида тўпни кўкрак олдида тутиб туради. Кўллар букилган, тирсақлар пастга туширилган бўлади. Бармоқлар кенг жойлаштирилган, бош бармоқлар бир-бирига, қопланган эса юқорига олдинга қаратилган бўлиши лозим.

Тўпни узатиш кўлларнинг пастга гавдага, юқорига қараб дастлабки ҳолатгача доира бўйлаб бажарилган ҳаракати билан бошланади. Шундан сўнг кўллар тез олдинга қараб тўғриланади. Узатиш панжаларининг актив ҳаракатлари билан яқунланади. Тўпнинг йўналиши тезлигини ошириш учун

баскетболчи оёқларини тўғрилаши ёки қадам қўйиши мумкин.

Юқоридан икки кўллаб узатиш. Бўйи баланд бўлган химоячи актив қаршилик кўрсатган пайтларда қўлланилади. Тўп дастлабки ҳолатда букилган кўллар билан бош устига ушлаб турилади. Тўп узатишнинг бошланишида баскетболчи кўлларини тирсақларда букади ва уларни бир оз орқа томонга олиб боради. Шундан сўнг кўллар тирсақларда тезлик билан олдинга тўғриланади ва панжаларининг олдинга-пастга қараб ҳаракатлари билан тўп керакли томонга юборилади.




11-расм. Юқоридан икки кўллаб узатиш.


Тўпни бир кўллаб узатишлар елкадан, юқоридан ва пастдан бажарилади. Бир кўллаб яширин узатишлар орқадан, пастдан орқага, елканинг устидан, кўлнинг тагидан бажарилиши мумкин.

Елкадан бир кўллаб узатиш. Баскетболда асосий усуллардан бўлиб ҳисобланади. Бу усул ҳар-хил масофаларга баскетболчиларнинг Ҳазро ҳаракатларида қўлланилади. Бунда тўпни яқини тутиб туриш ва панжаннинг ҳаракти ҳисобига тўпнинг кўлдан чиқиб кетиш пайтида унинг йўналишини ўзгартириш мумкин. Баскетболчи тўпни ўнг кўли билан узатиш учун кўлини

бўкиб, тўпни ўнг елкасига шундай яқинлаштириши лозимки, бунда унинг ўнг қўли тўпнинг орқасидан, чап қўли эса уни олд томонидан тутиб туриши ва тирсақлар пастга туширилган бўлиши лозим. Баскетболчи ўнг қўлини тез тўғрилай бошлаб, чап қўлини пастга туширади ва панжанинг кескин ҳаракати билан тўпни керакки томонга юборлади. Узок масофага узатишда тўп орқага кўпроқ олиб борилади.



12-расм. Елкадан бир қўлгаб узатиш.




13-расм. Юзга-
радан бир қўл-
габ (өкрюк)
узатиш билан)

Юқоридан бир қўлгаб («крюк») усули билан)

узатиш. Бу усул яқиндаги ҳимоячининг юқорига кўтарилган қўшлари устидан тўп узатиш керак бўлган пайтларда қўлланилгани маъқул. Баскетболчи ўнг қўли билан тўп узатиш учун нишонга нисбатан чап ёни билан туради. Қўшларини тўғрилаб пастга туширади, тўпни узатадиган қўпнинг кафтига ўтказди, уни ён томондан доира бўйлаб вертикал ҳолатгача кўтаради ва панжани кескин бўкиб, тўпни шериғига узатади.


Пастдан бир қўлгаб узатиш. Ҳимоячи тўпнинг юқоридан ёки томондан узатилишига тўққинлик қилаётган пайтларда, қўпнича тўпни қўлдан-қўлга ва умуман, яқин масофаларга узатишда қўлланилади. Бунда баскетболчи қўшларини тўғрилаб, пастга туширади ва тўпни ўнг қўлга ўтказди, сўнг ўнг қўлини орқада жойлашган оёғи тиззасининг орқасига олиб боради. Тўпни тутиб турган чап қўл орқада қолади ва бундан кейин тўп фақат ўнг қўл панжаси билан тутиб турилади. Бир вақтнинг ўзида гавданинг оғирлиги орқада жойлашган оёққа ўтказилади, гавда ҳам шу томонга бир оз бурйлади. Шундан сўнг гавданинг оғирлигини олдинги оёққа ўтказиб ёки олдинга қадам кўйиб, ўнг қўпнинг қайта ҳаракати билан тўп ҳимоячи қўшларининг остидан узатилади.



14-расм. Пастдан бир қўлгаб узатиш.

Тўп бармоқларнинг учидан чиқиб кетиши керак. Дширин узатишлар қисқа ҳаракат билан ва тўпнинг асосий ҳаракат йўналиши рақибга сездирилмай бажарилади. Бу тўпни олиб қўйишни қийинлаштиради.

